

УЛУҒ ЭЪТИҚОД

ёхуд тарих синовларидан ўтаётган тараққиёт йўли



Салим ДОНИЁРОВ

Бошланиши 1-бетда

Албатта, бу баландраров гаплар эмас. Асосланган ва эътирофларга тўла фикрлар.

Биринчидан, Ўзбекистон дунёга борича очилди. Утган асрдан буён елкамизда оғир юк бўлиб келётган табиғий муаммолар тан олинди. Ва энг муҳими, уларга бирин-кетин ечим топилди, вазият бутунлай ўнганди.

Масалан, мамлакатда камбағаллик даражаси оқшанди. Пахта сиёсати билан боғлиқ асрий қарашлар ўзгартирилди, мажбурий меҳнатга барҳам берилди. Ўзимизнинг тадбиркорлар, чет эллик инвесторлар учун адолатли, ҳуқуқий асоси мустаҳкам муҳит яратилди.

Иккинчидан, қўшни давлатлар билан “музлаган” алоқалар қайта тикланди, чегаралар очилди. Ўзбекистон ташқи сиёсатида Марказий Осиё давлатлари билан дўстона муносабатларга устувор аҳамият қаратилмоқда.

Учинчидан, мамлакатда илк бор иқтисодий ўсиш динамикаси маънавиятга эътибор қаратиш даражасига етди.

Тўртинчидан, аҳолини ижтимоий ҳимоя билан қамраб олиш ҳаракатлари бошланди.

Бешинчидан, кейинги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев халқаро аҳамиятга эга ўта долзарб ташаббусларни илгари сура бошлади ва уларни халқаро ҳамжамият ҳам қизгин қўллаб-қувватламоқда.

Буни ўтган даврда Ўзбекистоннинг ташаббуслари асосида БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 11 та резолюция қабул қилингани мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Ижтимоий адолат факторлари

Мана шу беш муҳим асос миллий жамиятимизнинг янги қиёфасини яратишга замин бўлди. Унинг бутунги қиёфаси таҳлилини бир мақолада кенг қамров билан очиб бериш имкони йўқ.

Биз янги Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва камбағалликни қисқартириш сиёсати ҳақида гаплашиш истагидики, Поёнига етиб бораётган йилда бу йўналишларда жуда катта тарихий ислохотлар амалга оширилди.

Уларни атрофлича, мазмун-моҳиятини кенг тафаккур қилиш учун, аввало, “Ижтимоий давлат” тамойили замиридаги ўзак мақсадларни англаб олишимиз керак бўлади.

Содда қилиб айтганда, ижтимоий давлатда халқ хоҳиш-иродасига устувор аҳамият қаратилади. Бунда фуқаролар давлат учун эмас, аксинча, давлат халқ учун хизмат қила бошлайди.

Хўп, шундай бўлса, жамиятда нималар ўзгаради? Буни 2024 йилда эришилган натижалар мисолида таҳлил қиламиз.



1. Тўртта туман тажрибаси

Биз узоқ йиллар боқимандалик кайфиятида яшашга ўрганиб қолган эдик. Бониси, мамлакатдаги, атрофимиздаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий муҳитнинг ўзи шундай эди. Бундай шароитда одамларга давлатнинг ишончи, ўз навбатида, одамларнинг ҳам давлатга, ислохотларга ишончи жуда муҳим аҳамият касб этади. Шу жиҳатлар чуқур ўйланган ҳолда, агар хоҳиш-ирода бўлса, ҳар бир инсон яхши яшаш мумкинлиги ҳаётини намуналар мисолида кўрсатиб берилди.

Хусусан, 2024 йилда Уйчи, Сайхунбод, Зарбдор ва Гиждувон тажрибалари юртдошларимиз ҳаётида катта ўзгаришларни бошлаб берди.

Мазкур туманлар тажрибаси доирасида йил бошидан буён 3 миллион 300 минг аҳоли доимий даромадга эга бўлди. Расман иш билан банд бўлган аҳоли сонига эса илк бор 10 миллион 500 мингга етди.

Шу ўринда бир муҳим жиҳатга эътибор қаратишимиз керак бўлади: 4 та туман тажрибаси халқимизга нима берди? Аввало, илм билан меҳнат қилиш кўникмасини.

Янги атроф-муҳит, жиддий иқлим ўзгаришлари кузатилаётган бир шароитда табиат билан уйғунликда томорқадан унумли фойдаланиш тажрибаси шаклланди. Шунингдек, ишлаб чиқариш маҳсулдорлигини ошириш имконини берди. Бунда тадбиркорлик маданиятидан тортиб, илгор фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, бозор талаблари асосида маррани банд олиш кўникмалари янада тақомиллашмоқда.

Энди анъанага кўра, бир рақам шарҳига ўрин берсак. Биз 4 та туман тажрибаси доирасида 2024 йилнинг ўзида 3 миллион 300 минг аҳоли доимий даромадга эга бўлгани ҳақида айтдик. Бундан келиб чиқадигани, аҳоли ўртасида томорқачилик, тадбиркорлик кўникмалари шаклланиб борапти. Қовун қовундан ранг олади, деган гап бежиз айтилмаган. Эртага 3 миллиондан зиёд аҳоли ёнига яна шунча юртдошимиз қўшилиши ва бу ҳаракат мамлакат миқёсида кўр олади.

Шунга асосланиб айтиш мумкинки, аслида, бизнинг юртда камбағалликнинг ўзи бўлиши мумкин эмас. Чунки Ўзбекистон

аҳолиси энг кўп шахсий томорқасига эга давлатлар қаторида туради. Ҳар бир оилага тадбиркорлик, деҳқончилик учун барча шароитлар яратиб берилётган, қўллаб-қувватланаётган бир пайтда томорқадан меҳнат қилган одам камбағал бўлмастлигини меҳнаткаш, уддабурон халқимиз яхши билади.

2. “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури ишга тушди

Ҳаёт инсониятга берилган катта синов ва жиддий масъулият. Синов шунки, бу дунёда ҳар биримиз инсоний феъл-атворимизни тарбия қилиб, эзгу амаллар ижросини бўлишимиз жоиз. Масъулият эса ҳаёт давомийлиги билан дахлдор бурчларимиз жамланмаси. Шулардан бири ўзимиз ва фарзандларимиз келажаги учун масъулият билан ёндашишдир.

Президентимизнинг 2024 йил 23 сентябрдаги “Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги чора-тадбирларни янги bosқичга олиб чиқиш тўғрисида”ги фармони айнан шу масъулиятимизни тўлақонли адо этиш учун муҳим дастуруламал, катта имконият бўлди.

Гап шундаки, ушбу фармон билан мамлакатимизда “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури ишга тушди. Дастур 2024 йил 1 ноябрдан бошлаб “Камбағал оилалар учун еттига имконият ва масъулият” тамойили асосида ижрога йўналтирилди.

Агар бу имконият ва масъулиятларни халқчил тилда шарҳлайдиган бўлсак, кўз олдимизда шундай манзара пайдо бўлади.

Энди маҳаллаларда тадбиркорлик муҳити ривожлантирилиб, пировардида барқарор бандлик ва юқори даромад топишга эришилади.

Бунинг учун маҳаллаларга етакчи тадбиркорларни жалб қилиш, томорқадан унумли фойдаланишни йўлга қўйиш, ҳар бир туман ва шаҳарда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга туртки берувчи “драйвер” лойиҳаларни амалга ошириш, қўшимча 50 минг гектар экин майдонларини камбағал оилаларга ижарага топишириш, уларга кичик ишлаб чиқариш ускуналари, кўчма дўкон, мотороллер, скутер каби воситаларни бўлиб тўлаш шарти билан бериш чора-тадбирлари амалга оширилади.

Камбағал оилалар фарзандлари таълим олиши ва касб-ҳунар ўрганишига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилади.

Уларнинг камида битта фарзандини хорижий тилларга, касб-ҳунарга ёки мутахассисликка ўқитиш, битта фарзанди, хусусан, қиз фарзандининг олий маълумотга эга бўлиши учун шароит яратиш мақсад қилинган.

Камбағал оилаларнинг ҳар бир аъзоси бир йилда бир марта тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилади.

Бунда уларнинг ўз соғлиги учун масъулиятини ошириши, фарзандлари спорт тўғрисидаги қатнашиши учун имкониятлар яратиш, оиланинг тиббий хизматларга

ўз ҳисобидан сарфлайдиган харажатларини икки баробар қисқартириш кўзда тутилган.

Ижтимоий хизматлардан фойдаланиш кўлами оширилади.


Шу мақсадда оилаларнинг меҳнат қилиш имкониятини чекловчи омилларни бартараф этиш, хусусан, ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга кундузги қатнов асосида қараб туриш, болаларни тарбиялаш ва кундузги парваришlash хизматлари йўлга қўйилмоқда.

Умуман, оилаларнинг яшаш шароитларини яхшилаш, маҳаллалар инфратузилмасини

билан Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, шунингдек, туман ва шаҳарларда “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ташкил этилгани жорий йилда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида янги bosқичга ўтишга мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлди.

Бу тизим минглаб оилаларга ҳаётбахш кўтаринки кайфият бағишлади. Айниқса, маҳаллаларда ижтимоий ходимлар фаолияти йўлга қўйилгани жуда катта ютуқларимиздан бири бўлди.

Мисол учун, “Инсон” марказлари очилиши билан маҳаллаларда 102 та ижтимоий хизмат кўрсатиш тизими йўлга қўйилди.



“АҲОЛИНИ ИЖТимоий ҲИМОЯ ТИЗИМИ БИЛАН АТРОФЛИЧА ҚАМРАБ ОЛИШ, АЙНИҚСА, БУГУНГИ ТАХЛИКАЛИ ДАВРДА ҲАР ҚАНДАЙ ДАВЛАТНИНГ ҲАМ ҚЎЛИДАН КЕЛАВЕРМАЙДИ. БУНИНГ УЧУН ЮҚОРИДА ҲАМ АЙТГАНИМИЗДЕК, БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТГА ЭРИШАНЛИК, КЕЛАЖАККА ИШОНЧ СИЁСАТИ МУСТАҲКАМ БЎЛИШИ КЕРАК БЎЛАДИ.”



ривожлантириш, давлат органлари ходимлари билан тўғридан тўғри мулоқотини йўлга қўйиш, раҳбарларни камбағал оилаларга бириктириш, уларнинг уюмларини биргаликда ечишга кўмаклашиш каби ҳаётбахш тизим янги Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат сифатида халқимизни рози қилиш йўлидаги катта сиёсатини ифодалайди.

3. Меҳрнинг ижтимоий портрети

Биз мақоламизнинг шу қисмига қадар кўпроқ камбағалликни тугатиш чора-тадбирлари ҳақида сўз юритдик. Бониси, камбағаллик ва ижтимоий ҳимоя бир-бирига боғлиқ оқибатлардир.

Аслида, 2024 йил мамлакатимиз ҳаётида камбағалликни тугатиш чора-тадбирлари ҳимоя қилиш борасидаги чора-тадбирларга ҳуқуқий, маънавий ва иқтисодий пойдевор қўйилган йил сифатида тарихда қолмоқда.

Юқорида янги Ўзбекистонни эзгу ташаббуслар мамлақати, дея таърифлаб, унинг асосларидан бири сифатида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳаракатлари бошланганини бежиз таъкидламаган эдик. Мамлакат қачон ўз фуқароларининг бугунги ва эртанги ҳаёти учун қайғуради. Қачонки, бу юртда барқарор ривожланиш bosқичига ўтиш, ислохотлар узоқни кўзлаб амалга оширилаётган бўлса.

Президентимизнинг 2023 йил 1 июндаги “Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизimini йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иқтидорини билан халқ ва давлат идоралари ўртасида мулоқот механизми йўлга қўйилган, бир гуруҳ мутасаддилар унинг уйига қадам ранжида қилиб, ногиронлик аравачаси совға қилгани ва у илк бор ҳовлига чиқиб, ҳаётини чанқоқ ҳавас билан томоша қилгани ҳеч кўз олдимдан кетмайди. Камбағал, меҳрга ва ёрдамга муҳтож оиланинг ижтимоий портрети ҳақида гап кетса, ҳамон шу манзара хотирамда жонланаверади...

Айтмоқчимизки, аҳолини ижтимоий ҳимоя тизими билан атрофлича қамраб олиш, айниқса, бугунги тахликали даврда ҳар қандай давлатнинг ҳам қўлидан келавермайди. Бунинг учун юқорида ҳам айтганимиздек, барқарор тараққиётга эришганлик, келажакка ишонч сиёсати мустаҳкам бўлиши керак бўлади.

Ҳаммамиз масъулмиз

Бугун камбағалликни қисқартириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мавзусида сўз юритяпмиз. Мамлакатимизда амалга оширилаётган бундай ижтимоий-иқтисодий қудратли сиёсат чуқур ва атрофлича ўйлангани билан бошқа давлатлар тажрибасидан фарқ қилади.

Қайси жиҳатлари билан? **Давлатимиз раҳбари камбағалликни қисқартиришда, аввало, уни келтириб чиқарувчи омилларга эътибор қаратмоқда.**

Биринчидан, камбағалликнинг боши айбори — билимсизлик, ҳунар эгалламасликдир.

Шу боис, Президентимиз ота-оналар, маҳалла фаоллари, нурунийлар олдига фарзандларда болалиқдан бошлаб китобхонликка меҳр уйғотиш, уларни хорижий тиллар, касб-ҳунар ва санъатга ўргатиш, аёли ва қизининг ўқиши ва ишлаши учун шароит яратиш — муҳим ҳаётини вафода, деган қарашни сингдириш вазифасини қўйди.

Иккинчидан, одамлар, айниқса, ёшларимиз ўз олдига катта мақсадлар қўйиб, бу мақсадларга ҳалол меҳнат, доимий иш-иш ва ишга ортиқча эришишга интилиб яшашни кундалик ҳаёт тарзига айлантирмоқда.



Учинчидан, томорқачиликни янги ечим, уй-жойида иш ва фойдали муҳит яратиш, тозаланиш сақлаш, тўғри овқатланиш, пайда юриш, зарарли одатлардан воз кечиш бўйича фаол тарбия ва ташвиқот олиб борилапти.

Тўртинчидан, оила ва маҳалланинг тинчлиги, фаровонлиги учун кўшимчи, ўзаро аҳиллик, ҳамжихатликни таъминлаш, ҳаётимиздаги ўзгариш ва янгиликларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш бўйича мунтазам таъсирчан иш олиб борилмоқда.

Бошқа тажрибалардан фарқли ҳаётини шу каби жиҳатлар бизнинг эртанги кунимизни белгиловчи муҳим омиллардир. Хулоса ўрнида эса битта муҳим гапни эсга олмоқчимиз.

“2025 йил бандликни таъминлаш ва камбағалликни қамайтиришда энг муҳим ва ҳал қилувчи йил бўлади”, деди давлатимиз раҳбари жорий йил 16 декабрь кунини банклар иштирокида маҳаллаларда аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадли қилишга қаратилган устувор вазифалар муҳофазаси юзасидан ўтказган видеоселектор йиғилишида.

Демак, олданда бизни янада муҳим ва долзарб вазифалар кутиб турибди. Энг аввало, бу мақсадларга эришиш учун мамлакатимизда мустаҳкам асослар яратилган. Уларнинг энг муҳимлари — камбағалликни қамайтириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимидаги катта ислохотларни эса имкон қадар таҳлил қилидик.



2024 йилда 10 минг километр мелиорация объекти куриш ва реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш-тиклаш натижасида шўрланган майдонлар 510 минг гектарга камайди. 555 километр ирригация тармоғи бетонланиши натижасида филтрация камайиб, шўрланган ер 235,6 минг гектарга қисқарди.

Экология ва атроф-муҳитни асраш, сув тақчиллигининг олдини олиш бундан буён ҳам биз учун долзарб вазифа бўлиб қолади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ — СУВ ХЎЖАЛИГИДА ТЕЖАМКОРЛИК ВА ОМИЛКОРЛИК



Шавкат ҲАМРОЕВ,
сув хўжалиги вазири

Бошланиши 1-бетда

Жорий йилнинг ноябрь ойида бўлиб ўтган БМТ Иқлим ўзгариши бўйича конференцияси (COP 29)да трансчегаравий сув ресурслари ифлосланишининг олдини олиш ва барқарор биохилма-хилликни сақлашда ягона ёндашувлар зарурлигига ургу берилгани бунинг яна бир тасдиғидир.

Кўшни давлатларнинг сув хўжалиги вазири, дипломатлари билан учрашувларимиз, музокараларимиз чоғида улар Ўзбекистон Президенти нафақат ўз халқи, балки минтақа халқлари манфаатини кўзлаб халқаро минбарларда янги ташаббусларни илгари сураётганини эътироф этади.

Ўзбекистон фойдаланадиган сув ресурсларининг 90 фоиздан ортиги қишлоқ хўжалиги соҳасида сарфланипти. Минтақада ирригация-мелиорация тармоқлари энг кўп ва йирик сув хўжалиги инфратузилмасига эга давлат ҳисобланади, сугориладиган экин майдонлари 4,3 миллион гектарни ташкил этади. Шу билан бирга, 60 фоиздан ортиқ ер насос станциялари ёрдамида сугорилиши, 50 фоизга яқин сугориладиган майдон турли даражада шўрланган бўлиб, мелиоратив тадбирлар ўтказилиши вазифаларимиз мурракбалигини кўрсатади.

Озиқ-овқат хавфсизлиги ва фаровонликни таъминлаш учун соҳадаги муаммоларга ечимлар берилмоқда. Хусусан, қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва йўқотишларни камайтириш мақсадида сувни ҳамда сарфланаётган электр энергиясини тежаш бўйича факулдада иш тизимига ўтирилиши таъкидланди.

Шу боис, “2024 йил сугорилиш тармоқларида сув йўқотишларини камайтириш бўйича зарбдор йил” деб эълон қилинган бўлса, 2025 йил “насослар самарадорлигини ошириш йили” бўлади.

Шундан келиб чиқиб, қилинадиган биринчи муҳим вазифамиз — канал ва ариқларни бетонлаш. Ҳисоб-китобларга кўра, ирригация тармоқларида йилга ўртача 14 миллиард куб метр сув ҳеч қандай иқтисодий самарасиз исроф бўляпти.

Давлат бюджетидан 676,7 миллиард сўм ажратилиб, 75 та объект доирасида 555 километр канал реконструкция қилинди, шундан 433 километри бетонланди. Халқаро молия институтлари иштирокидаги лойиҳаларнинг давлат бюджети қисми бўйича “Фаргона водийсида сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш 2-босқич” лойиҳасига 121 миллиард сўм ажратилиб, Андижон, Наманган ва Фаргона вилоятларида 160 километр канал модернизация қилинди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ташаббускорлигида кластер, фермер хўжаликлари томонидан 13,5 минг километр ички сугорилиш тармоғи бетонланди. Бетонланган ирригация тармоқларида филтрация (ерга шимилди кетиш) камайиб, сувни бошқариш тизими такомиллашди, 300 минг гектар майдоннинг сув таъминоти яхшиланди. Ирригация тизими ва сугорилиш тармоқларининг фойдали иш кoeffициенти 0,66 дан 0,67 га ошди.

Мисол учун, Бухоро вилояти Олот туманида қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг 3 минг гектарига сув етиб бориши ниҳоятда қийин эди. 2024 йилда тумандаги 5 та каналнинг 21 километр қисми

бетонланиши натижасида 11,2 минг гектарда сув таъминоти яхшиланди.

Жиззах вилоятида Жиззах бош насос станцияси реконструкция қилиш бўйича 76 та ДМ-3 каналларни бетонлаш ва реконструкция қилиш орқали Зарбдор, Зомин, Пахтакор ва Шароф Рашидов туманларидаги 364 та фермернинг 58 000 гектар ер майдонига сув таъминоти яхшиланди. Агар бунга Шароф Рашидов туманининг Қулписар ҳудудига 4-5 кунда сув етказилган бўлса, энди бу муддат 3 кунга қисқарди.

Бу борадаги ишлар 2025 йилда янада жадал давом эттирилади. Сугорилиш тармоқларини реконструкция қилиш бўйича 76 та объектга 800 миллиард сўм йўналтирилиб, 570,4 километр канал, 21 километр лоток ва 45,3 километр ёпиқ қувурли сугорилиш тармоғи реконструкция қилинади. 300 минг гектар майдоннинг сув таъминоти яхшиланади, каналларда йилга ўртача 450 миллион куб метр сув йўқотилишини камайтиришга эришилади.

Иккинчи муҳим вазифа — насослар самарадорлигини ошириш. Бугунги кунда сугорилишга давлат бюджети ҳисобидан 1700 га

этган бўлса, 2023 йилда 6,8 миллиард киловатт-соатга тушди. 2024 йил якуни бўйича лимитга нисбатан 350 миллион киловатт-соат электр энергиясини тежаш кўзда тутилган.

Учинчи муҳим вазифа — сув тежовчи технологияларни жорий қилиш.

2024 йилда 326 минг гектар майдонда сув тежовчи технологиялар, шундан 82,7 минг гектарда томчилатиб, 39 минг гектарда ёмғирлатиб, 30,6 минг гектарда дискрет, 174 минг гектарда эгилувчан қувур ва эгатга плёнка тўшаб сугорилиш жорий қилинди ҳамда 507 минг гектар майдон лазерли текисланди. Сув тежовчи технологиялар билан қамраб олинган майдонлар 2017 йилда 28 минг гектар бўлган бўлса, 2024 йилда 1,9 миллион гектарга, шу жумладан, томчилатиб сугорилиш 561 минг гектарга етказилди. Тежамкор технологиялардан фойдаланиш ҳисобига жорий йилда 2 миллиард куб метр сув тежаланишига эришилди.

2025 йилда яна 500 минг гектарда сув тежовчи технология ўрнатилди.

борадаги ишларга 2021 йилда жиддий киришилган эди. “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ва сув хўжалигини ривожлантириш концепциясида белгиланган кўрсаткичлардан келиб чиқиб, тўрт йилда онлайн режимда сув омбори ва ирригация тизимининг 12 минг 988 та сув ўлчаш постида сув ресурсларини кузатиб бориш имконини берувчи “Ақли сув”, 8894 та мелиоратив кузатув қудуғида сизот сув кўрсаткичлари ва ернинг минераллашганлик даражасини назорат қилувчи “DIVER”, 1739 та насос станциясида сув сарфини мониторинг қилиш қурилмалари ўрнатилди. 80 та йирик сув хўжалиги объекти бошқаруви автоматлаштирилди.

Вазирлик ҳузурида Сув хўжалигини рақамлаштириш маркази ташкил этилди. Унда сув истеъмоли ва ҳисобини юритиш-

Сув хўжалиги соҳасида хорижий инвестиция салмоғини ошириш, давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича ҳам самарали ишланипти.

2024 йилда 7 та лойиҳа доирасида халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан 109 миллион доллар ўзлаштирилди. 180 та тик қудуқ бурғиланди, 223 та гидро-техник иншоот ва 62 километр канал реконструкция қилинди.

2020-2023 йиллар давомида умумий қиймати 6 триллион сўмлик 452 та давлат-хусусий шериклик лойиҳа битими имзоланди ва давлат реестридан ўтказилди. Хусусан, 2023 йилда 300 та насос станцияси ва 6 та қудуқ хусусий сектор бошқарувига берилди. Лойиҳаларда 83,3 миллион киловатт электр

“ Бетонланган каналларда сув оқими тезлашади. Бу кичик ГЭСлар қуриб, электр олишга катта имконият. Шу боис, Навоий вилоятида 11 мегаваттли 148 та шундай станция куриш бошланган. Ҳудудларда 2 мингта микроГЭС қуриб, йилига қўшимча 600 миллион киловатт электр олиш мумкин. ”



яқин насос станцияси ишлатилмоқда. Уларга бир йилда 7 миллиард киловатт-соат электр энергияси талаб этилади.

Охириги йилларда 1 миллиард доллар ҳисобига Қарши, Аму-Бухоро, Аму-Занг каби йирик насос станциялари модернизация қилинди. 2024 йилда 156 та насос, 154 та электродвигатель янгиланди. 2388 та ёруғлик диод чироқ, 109 та қувёш батареяси ва сув иситиш қурилмаси, 85 та частота ўзгартирувчи, 102 та конденсатор қурилмаси ўрнатилди.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида электр энергиясининг йиллик сарфини 1,5 миллиард киловатт-соат камайтиришга эришилди. Яъни 2017 йилда электр энергияси сарфи 8,3 миллиард киловатт-соатни ташкил

Бунинг учун имкониятлар етарли. Республикада сувни тежайдиган сугорилиш технологиялари ускуналари ва бутловчи қисмларини маҳаллий шароитда ишлаб чиқариш бўйича 2018 йилгача бор-йўғи 3 та корхона фаолият кўрсатган бўлса, ҳозир 62 тага етказилди. Улар бир йилда 500 минг гектардан ортиқ майдонни қамраб оладиган маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга.

Келгуси уч йилда ҳам қишлоқ хўжалиги техникасининг 15 фоизи ва лазерли текислағичнинг 30 фоизини субсидиялаш амалиёти давом эттирилади. Қорақалпоғистонда қўлланган лазерли текисланган ернинг ҳар гектарига 1 миллион сўмдан субсидия бериш тизими Хоразм вилоятида ҳам татбиқ этилади.

Тўртинчи муҳим вазифа — рақамлаштириш. Президентимиз 2024 йил 7 ноябрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида сув хўжалиги соҳасида кескин ўзгариш қилишнинг бирдан бир йўли рақамлаштириш эканини алоҳида таъкидлади. Бу

нинг ягона ахборот тизими ишга туширилади. Шунингдек, илгор хорижий давлатлар ҳамкорлигида улардаги ютуқлар соҳамизга жалб қилиняпти.

Дўстлик туманида Хитой компаниясини жалб қилган ҳолда сув бошқарувини “ақли” тизимга ўтказиш бўйича умумий қиймати 22 миллион долларлик лойиҳа якунига етказилди. Сув тақсимланадиган 2 мингта нуқтага ҳисоблагич ва видеокамера ўрнатилган. Автоматлашган бошқарув натижасида 20 фоз сугорилиш тармоғини таъмирлаш ҳисобига яна 10 фоз сув тежалади. Сув бошқаруви хусусий секторга берилиб, фермерлар билан кооперация тузилади. Илк бор сувга олинган тўлов бўлади.

Жорий йил 16 ноябрь куни Дўстлик туманида республика кўргазмали семинари ўтказилди ҳамда ҳудудлардаги 1 тадан туманда инвесторларни жалб қилган ҳолда сув ресурслари бошқарувини автоматлаштириш лойиҳалари амалга оширилиши белгилан олди.

энергиясини иқтисод қилиш, 120 миллиард сўм бюджет маблағини тежаш назарда тутилган. 6 та тумандаги барча сув хўжалиги объектилари, жумладан, 92 километр ирригация ва 245 километр мелиорация тармоғи, 3 та насос станцияси, 170 та кузатув қудуғи тўлиқ хусусий бошқарувга берилди.

2024 йилда 500 та сув хўжалиги объектини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида хусусий сектор бошқарувига бериш бўйича иш олиб борилди. Хусусий шериклик билан битимларни имзолаш жараёни давом этмоқда.

Бетонланган каналларда сув оқими тезлашади. Бу кичик ГЭСлар қуриб, электр олишга катта имконият. Шу боис, Навоий вилоятида 11 мегаваттли 148 та шундай станция куриш бошланган. Ҳудудларда 2 мингта микроГЭС қуриб, йилига қўшимча 600 миллион киловатт электр олиш мумкин.

Баҳор ва кудайга сел сувларини йиғиш — соҳадаги яна бир манба. Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Наманган, Фарғона ва Тошкент вилоятларида шундай иншоотлар барпо қилиб, 50 минг гектарда сув таъминотини яхшилаш имкони бор. Бу борада “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

Республикамизда сугориладиган майдонларнинг 2 миллион 442 минг гектари шўрланмаган, 1 миллион 883 минг гектари турли даражада шўрланган. 2,3 миллион гектарда очик коллекторлар, 465 минг гектарда ёпиқ ётиқ горизонтал дренажлар ва 277 минг гектарда вертикал дренаж қудуқлар хизмат қилади. Уларнинг умумий узунлиги 144 минг километр.

2024 йилда 10 минг километр мелиорация объекти куриш ва реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш-тиклаш натижасида

шўрланган майдонлар 510 минг гектарга камайди. 555 километр ирригация тармоғи бетонланиши натижасида филтрация камайиб, шўрланган ер 235,6 минг гектарга қисқарди.

Сув текин эмаслигини истеъмолчиларга тушунтириш, обихаётнинг кадри ва қиймати, уни асрашни тарғиб қилиш бўйича ҳам кенг кўламли ишлар қилинди. Аҳолининг сувдан фойдаланиш маданияти юксалиб, унинг ҳар томчисини тежаш оммавий ҳаракатга айланиб бормоқда.

Умуман олганда, 2024 йил сув хўжалиги соҳаси учун тўб ўзгаришлар йили бўлди. Президентимизнинг 2024 йил 5 январдаги қарори билан республика бўйича 155 та туман ирригация бўлими ҳамда 161 та сув хўжалиги махсус хизмати тугатилиб, уларнинг негизда хўжалик ҳисобида фаолият юритадиган 159 та туман “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасаси ташкил этилди. Сув етказиб бериш хизматлари ходимларининг ойлик маоши манбаси хал қилинди ва иш ҳақи миқдори икки баравардан зиёд оширилди.

1 апрелдан 1 октябргача бўлган сугорилиш мавсуми учун республика бўйича жами сув манбаларидан 31,5 миллиард куб метр сув олиш лимити ажратилиб, шундан сугорилиш ишларига 28,2 миллиард куб метр лимит тасдиқланди. 2 млрд сугорилишга 29,7 миллиард куб метр сув етказиб берилди. Йил якуни бўйича қишлоқ хўжалигида 8 миллиард куб метр суви тежаш кўзда тутилган.

2024 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги йўналишида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси 1 куб метр сув учун 100 сўм этиб белгиланди. Сув етказиб бериш хизматларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун давлат бюджетидан 150 миллиард сўм ажратилиб, махсус техника воситалари харид қилинди. Президентимизнинг 2024 йил 7 майдаги фармонига мувофиқ, Сув хўжалиги вазирлигининг фаолияти уч бўғинга ажратилиб, вертикал бошқарув тизими ташкил қилинди. Ўрта ва юқори бўғин ходимларининг ойлик маоши оширилди.

Илм-фан ва ишлаб чиқариш узвийлиги доимий эътибордаги масаладир. Илмий ва инновацион ишланмаларни жорий этиш бўйича Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти томонидан ҳамда “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш институти” миллий тадқиқот университети билан яқин ҳамкорликда ишланипти.

Сув хўжалиги соҳасидаги муаммолар ечимига қаратилган давлат илмий-техник дастурлари доирасида 2 та фундаментал, 6 та амалий ҳамда 20 та илмий тадқиқот, тажриба-конструкторлик иши бажарилмоқда. Лойиҳаларнинг умумий қиймати 7,3 миллиард сўмин ташкил этади.

Соҳа ривожига кадрларга боғлиқ. Ҳар йили 500 нафардан зиёд олий маълумотли мутахассис тизим ташкилотларига ишга қабул қилинмоқда. 2024 йилда 1716 нафар раҳбар ва мутахассиснинг маалакиси оширилди.

“Агробанк” АТБ ҳамкорлигида 2023 йилда “Сувчилар мактаби” фаолияти йўлга қўйилди. Республиканинг 13 та ҳудудда замонавий ўқув хоналари ҳамда илгор сув тежовчи технологиялар қўлланиладиган тажриба майдонлари ташкил этилди. 2023 йили 155 та туманда 61 мингдан ортиқ фермер хўжалиги раҳбари ва ходими қисқа муддатли курсларда ўқитилди. 2024 йилда 13 минг фермернинг амалий кўникмалари шакллантирилди.

Сув келтирган элда азиз, деган мақол бор. Шу боис, обихаётни етказиб бериш йўлида хизмат қилувчи сувчилар тоза, покиза ва савобли касб ағаларидир. Уларнинг машаққатли меҳнати билан юрт обод, дастурхон тўкин-сочин, турмуш фаровон.

Эътибор ва ғамхўрликлардан руҳланган соҳа ходимлари сув беҳуда исроф бўлишининг олдини олиш, самарали фойдаланиш, халқимизга муносиб хизмат қилиш учун бор куч-ғайратини ишга солган. Улар янги Ўзбекистонда барча соҳаларда янгилинишлар, ўзгаришлар жадал бораётган ҳозирги даврда замон билан ҳамнафас одимламоқда.



ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ — МЕҲР ВА КЎМАК ТИЗИМИ



Расул РАҲМОНОВ,
иқтисодий фанлари номзоди, профессор

Ўзбекистон — ижтимоий давлат. Конституциямизда мустақамланган ушбу ташкил асосида ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам вакиллари билан тизимли ишлар ташкил этиш бугун ҳар бир ташкилот, идоранинг вазифасидир. Меҳр ва кўмак тизимини аҳолига яқинлаштириш, ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш механизмини соддалаштириш бугуннинг муҳим мавзусига айланмоқда.

Шу йил 13 декабрда ижтимоий ҳимоя соҳасидаги ишлар натижадорлиги ва 2025 йил учун устувор вазифалар муҳофазаси юзасидан ўтказилган йиғилишда ҳам айнан шу соҳадаги мавжуд бартараф этилиши зарур бўлган муаммолар, янги ташаббуслар илгари сурди.

2024 йилда юртимиздаги барча ҳудудда “Инсон” марказлари очилди, маҳаллаларда 102 та ижтимоий хизмат йўлга қўйилди. Ижтимоий хизматлар уйма-уй юриб, шу йил реестрда бўлмаган яна 95 миң муҳтож одамга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, ногиронлиги бор 26 миң фуқарога протезлар беришди, 4 миңга яқин ёлғиз кексани уйда парваришлар хизмати ташкил этилди. Шу билан бирга, ногиронлиги бўлган 5 миңга яқин бола мактабга таълим ташкилотлари ва мактабга жойлаштирилди.

Лекин айрим жойларда иш тўғрисида қилинмаган. Масалан, ногиронлиги бор шахсларнинг бандлиги даражаси республикада 20 фоизга етган бўлса-да, баъзи ҳудудларда бу кўрсаткич анча кам. Инвестиция дастурига қараганда ижтимоий муассасалар лойиҳаси ногиронлиги бор одамларга мослаб ишлаб чиқилмаган.

Йиғилишда шу каби камчиликлар кўрсатиб ўтилди, гадаги чора-тадбирлар муҳофазаси қилинди. Давлатимиз раҳбари ижтимоий ҳимоя тизимини кучайтиришга доир янги ташаббусларни илгари сурди. Хусусан, келгусида аҳолини камбағалликдан чиқариш учун таълим, тўғрақ, касб-ҳунар, тиббиёт масалаларига алоҳида эътибор қаратиш ва яшаш шариоитини яхшилаш зарурлигини таъкидлади.

Туман марказидан 14 чақирим олисда, Қипчоқ қишлоғи ҳудудига жойлашган мазкур таълим маскани 1990 йилда бунёд этилган. 2022 йилда жорий таъмирланган. 600 ўринли муассасада айни пайтда 560 дан зиёд бола таълим-тарбия олмақда.



этиш мақсадида имо-ишора нутқини кенг қамровли ўрганишга қаратилган чора-тадбирлар ҳам долзарб. Президентимизнинг 2022 йил 20 октябрдаги “Ўзбек имо-ишора тили ва Брайль алифбосини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эшитиш ва нутқда нуқсон бўлган шахсларнинг саводхонлигини ошириш, ҳуқуқлари,

эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга кўрсатиладиган таълим хизматлари сифатини яхшилаш ҳамда ўзбек имо-ишора тилини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Тошкент шаҳридаги Вебстер университетининг таълим дастурларини амалга ошириш маркази ижтимоий ҳимояга муҳтож, эшитиш ва нутқда нуқсон бор инсонлар жамиятининг тўлақонли аъзосига айланиши ҳамда ҳаётда ўз ўрнини топишга кўмаклашиш мақсадида 6 ойлик бепул имо-ишора курсларини ташкил этди.

Тингловчилар 6 ой давомида малакали устозлардан сабоқ олди, эшитишда ва нутқда нуқсон бўлган инсонлар билан амалиёт ўтказиш имкониятига эга бўлди. Соҳа мутахассислари кўргазмали маъруза ва амалий машғулотлар орқали тингловчиларнинг билим ва кўникмаларини оширишга ёрдам бериб келмоқда. Фақат назарий билимлар билан чекланиб қолмай, нутқда ва эшитишда нуқсон мавжуд инсонлар билан мулоқот қилиш орқали амалиёт олиб бориш имкониятига ҳам эга бўлишди. Шунингдек, улар бепул дарсликлар билан таъминланди.

Таълим дастурларини амалга ошириш марказида ушбу ўқув курсларини ташкил этишдан мақсад қар болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатларга малакали педагог кадрлар тайёрлаш, уларга методик жиҳатдан амалий ёрдам кўрсатиш, эшитиш ва гапиришда нуқсон бор инсонлар билан тўқиб қилиш, имо-ишора тилида сўзлашишга кўмаклашишдан иборат. Курслар давомида бепул китоблар тақдим этилди, курсни муваффақиятли тамомлаган тингловчилар сертификатга эга бўлди.

Курсларда ногиронлиги бўлган, эшитиш ва гапиришда ногиронлиги бор шахслар, фарзандлари (ёки яқин қариндошлари)да эшитиш ёки гапиришда ногиронлиги борлар, қар болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ўқитувчилари таълим олади.

Марказда жисмоний ногиронлиги бўлган тингловчилар учун барча шароит мавжуд. Бундан кўзланган

мақсад келажакда махсус мактаб-интернатларда таълим бераётган муаллимларнинг ўқитиш сифатини ошириб, инклюзив муҳит яратиш, эшитиш ва гапиришда нуқсон бўлган болаларнинг муваффақиятли ўлғайиши учун замин яратишдир. Энг асосийси, бу ташаббуслар ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонлар жамиятининг тўлиқ аъзо-си эканини ҳис этишида муҳим омил бўлади.

боқчиларида ёшларнинг истиқболли бизнес лойиҳа ва голяри сараланиши кўплаб ихтирочи ёшлар кашф этилишига хизмат қилади. Республика боқчида саралашдан ўтган ҳар бир лойиҳага базавий ҳисоблаш миқдорининг 1000 бараваригача миқдордаги имтиёзли кредитлар ажратилиши, голиб бўлган бизнес лойиҳа ва голяри эгалари хорижга малака оширишга юборилиши ҳам изланувчан ёшларга катта туртки бўляпти.

Азизбек яшайдиган Ғалаба маҳалласида ишсиз ёки бирор машғулот билан банд бўлмаган ёшнинг ўзи йўлга қувонарли. 2019 йилдан буён маҳалланинг ёшлар етакчиси вазифасида ишлаб келаятган Ақмарал Имомовани айтишчи, маҳаллада 5 миңдан зиёд аҳоли яшайди. Уларнинг 1053 нафари 14 дан 30 ёшгача бўлган навқирон авлод вакиллари. Ўтган қисқа вақтда

маҳалла тубдан ўзгарди. Тупроқ кўчалар асфальтланди, тунда кўчаларни чироқлар чарогон қилишти.

— 2022 йилда вилоят ҳокими билан учрашувда “Ёшлар боғи” ташкил қилиш ташаббуси билан чиққанам, — дейди Ақмарал Имомова. — Ташаббусим кўплаб-қувватланди. Керакли маблаг ажратилди. Натигада жуда гўзал “Ёшлар боғи” барпо бўлди. Унда уй кутубхонаси, амфитеатр, шахмат хонаси ва бошқа шароитлар яратилди. Айниқса, тажриба тариқасида ташкил этилган “Маҳалла сервис компанияси” аҳоли ҳаётида муҳим ўрин тутаяпти. У ерда аҳолига 20 дан зиёд турдаги хизматлар кўрсатилади. Шу билан бирга, ёшлар учун ўқув марказлари ишлаб турибди. Таниқли брендга эга корхонанинг энг зўр ишчилари қизлариниқанда қандалатчилик сирларини ўргатапти. Азизбек Анаваров сингари робототехникага қизиққан ёшлар тўғрақ учун ажратилган хонада ҳар кунни нималариндир ихтиро қилади. Умуман олганда, маҳалламизда бирор ёш бекор юрмайди.

Маҳалланинг тажрибали тадбиркорлари бошқаларни ҳам руҳлантирмоқда. Одамлар кичикроқ бўлса ҳам қандайдир гоё билан яшашти. Билол Саидқабаров, Шоҳрух Анаваров каби ёшлар эса спортдаги ютуқлари билан маҳалла ёшларида ҳавас уйғотаяпти. Ҳар иккиси ҳам таъкидлаб мусобақалари голиби. Маҳалланинг 13 нафар ёши ўз билимлари ортдан чет давлатлардаги TOP-1000 талика кирган олийгоҳларда таҳсил оляпти.

Жамишд Фаёзуллоев каби ёшлар асосий ишдан ортиб ҳам оиласига қўшимча даромад келтирмоқда. У давлатдан олган имтиёзли кредити эвазига бир эмас, иккита иссиқхона қуриб, қўшнисининг бўш ётган томорқасини ҳам гулзорга айлантирди. Ойладигари ҳам иш билан машғул. Улар етиштиряётган 50-60 турдаги кўзни қамаштирувчи хоҳа гулларининг харидорлари талай. Қўшнига ҳам, ўзларига ҳам даромад келиб турибди.

Буларнинг бари эртдаги эгаларининг ҳар қандай бунёдкорлигига умид билан боқилиши, уларни қўлашга интилишимиз самараси. Нима бўлганда ҳам, фарзандларимиз шаггини сўңдирмайлик, эзгу ният қилверайлик, уларни рағбатлантиришдан чарчамайлик. Шунда Азизбек Анаваров каби ёшлар сафи янада кенгайди. Ёруғ келажак кафолати мустаҳкамланади.

Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Таълим олимлари

Азиза Холмуродова чекка қишлоқлардан биридаги мактабда она тили ва адабиёт фанидан дарс беради. Ихтисослигини билимдонни бўлган муаллима дарс жараёнида ҳам, ўқишдан ташқари тўғрақ машғулотларида ҳам соатлаб шуғулланишдан, ўқувчиларнинг қизиқиши доирасида қўшимча адабиётлар асосида машғулот ўтказишдан асло чарчамайди. Болаларни қизиқтирган мавзулар юзасидан рефератлар, илмий-назарий ва услубий маърузалар тайёрлаш, уларни амалда қўллаш орқали ўқувчиларнинг билимини бойитиб бориш, иқтидор ва қобилиятини ривожлантириш Азизанинг доимий масъулиятли ишига айланган.

БИЛИМ ОЛИШ, ИҚТИДОРНИ ЮЗАГА ЧИҚАРИШ ЗАМОН ВА МАКОН ТАНЛАМАЙДИ

Табиатан интилувчан ва изланувчанлиги, доим инновацион услуб ва голярини қўллаган ҳолда дарс ўтиши туфайли ўқувчилари орасида она тили ва адабиёт фанига меҳр қўйган ёшлар талайгина. Жорий ўқув йилида фан олимпиадасининг туман bosқичида 9-синф ўқувчиси Севинч Каримова биринчи, 11-синф ўқувчиси Шодиёна Жабборбергенова 2-ўринни эгаллаб, беллашувнинг навбатдаги bosқичига йўланма олди.

Ўқувчилари турли қўрик-танловлар, фан олимпиадаларида ютуқларга эришяётган мактаблар ҳақида кўпчилик “Бу мактаб шаҳарда ёки туман марказида жойлашган, уларда имконият кенг-да”, деб фикр билдиради. Аслида, муваффақиятлар сирини таълим муассасасининг манзил-мақомида эмас, балки жамоннинг аҳилиги ва замон билан ҳамнафаслигида. Биз сўз юритаётган Азиза Холмуродова Амурдёр туманидаги 18-мактабда дарс беради.

Туман марказидан 14 чақирим олисда, Қипчоқ қишлоғи ҳудудига жойлашган мазкур таълим маскани 1990 йилда бунёд этилган. 2022 йилда жорий таъмирланган. 600 ўринли муассасада айни пайтда 560 дан зиёд бола таълим-тарбия олмақда.

— Мақтабимизда фан тўғрақлари яхши йўлга қўйилган. Хусусан, ўқувчиларининг инглиз тилида бемалол гаплаша олади. Маҳоратли ўқитувчилар Дилафруз Тўраева ҳамда Дилфуза Ортиқбоева раҳбарлигидаги инглиз тили тўғраги аъзолари кичик ҳиқоя ва шеърларни ўзбек тилидан инглиз тилига, инглиз тилидан ўзбек ва қоракалпоқ тилларига қийланмай

бориш имкони бўлмагани сабабли 2007 йилда мактабга 160 ўринли қўшимча бино қуриб берилган эди. Салкам 500 ўқувчи таълим оладиган ўқув муассасаси учун, албатта, 160 ўринли қўшимча иншоот қурилгани билан мактабда замон талаблари даражасида таълим-тарбия бериш бора-сидаги муаммолар барҳам топмади. Шу боис, жорий йилги инвестиция дастури доирасида 4,1 миллиард сўм эвазига мактаб учун 330 ўринли, замонавий талабаларга тўла жаоб берадиган янги бино қурилиб, фойдаланишига топширилди, — дейди мактаб директори Нилуфар Давлетова.

Ушбу таълим даргоҳидан турли соҳада фаолият юритаётган юксак салоҳиятли мутахассис кадрлар етиштириб чиққан. Собиқ битирувчилар орасида мамлакатимиз илм-фани даргалари, давлат ва жамоат ар-боллари борлиги фахрли.

— Инсоният ҳаётида муҳим из қолдирувчи, ҳатто тақдирини гўзал ва нури томон йўналтириб, шахс сифатида шаклланишида маънавий-маърифий жиҳатдан қўллаб-қувватлагувчи маскан мактабдир. Унинг бағрида инсон оқ-қорани танийди, қалбини илм нури билан зийнатлаб, дунёга интилади, ўзи туғилиб ўсган она заминга, ватанига меҳр-муҳаббат руҳида воёга етади. Шу боис, биз уни умрбод яхши кўраемиз, меҳру муҳаббатга тўла бағрида кечган лаҳзаларини соғиниб яшаймиз, она мактабим, дея эзгу хотираларимиз кўнгида ардоқлаймиз. Жаҳид бобомиз Маҳмудхўжа Бехбудий таъбири билан айтганда, “дунё иморатлари ичиде энг улуғи — мактаб” томон интилаверамиз, —



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

таржима қилиб беради. — дейди инглиз тили ўқитувчиси Санъат Жумамуродов. — Шунингдек, халқаро даражадаги C1 сертификатини соҳибалари Зебо Холбоева ҳамда Холпошша Бидашеванинг тўғрақ машғулоти мактаб ўқувчилари учун қизиқарили бўлмақда.

Аниқ фанларни ўқитиш бўйича ўзига хос малака ва тажрибага эга педагогларнинг ҳамкорлигида сай-ҳаракатлари туфайли мактабнинг “THE BEST” заковатли болалар жамоаси туманда ўтказиладиган билимдонлар баҳсларида мунтазам юқори ўринларни эгаллаб келмоқда. 2023/2024 ўқув йилида эса 23 битирувчининг 17 нафари мамлакатимиздаги нуфузли олий таълим муассасалари талабаларини сафидан жой эгаллади.

— Эришилётган ютуқларнинг барчаси бошланғич синфларда болаларга яхши таълим-тарбия берилганининг самараси, — дейди мактаб директори Сурайё Эшбоева. — Чунки боланинг қизиқиши ва иқтидори қўлга илк қалам тутган кундан бошланади. Бу борада бошланғич синф ўқитувчилари Ноҳира Холимбетова, Дилшоҳа Юсупова, Холида Ҳайдаровдан миннатдоримиз. Улар тўрт йил давомида болаларни умумтаълим фанларига муваффақиятли тайёрламоқда.

Мамлакатимизда таълим тизимига қаратилётган эътибор туфайли, ҳар йили ўнлаб мактаблар, мактабга таълим ташкилотлари биносини замон талаблари даражасида реконструкция қилиниб, қайта жиҳозланмоқда. Музданини ўтаб бўлган бинолар ўрнида янги-лар бунёд этилмоқда. Президентимиз қўллаб-қувватлови туфайли бу каби бунёдкорлик ишлари Амурдёр туманида ҳам кенг миқабда бажарилмоқда. Умумтаълим мактабларининг шарт-шароити яхшиланаяпти. Ўқув масканларининг ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланаётгани таълим-тарбия ишларини самарали ташкил этиш имконини бермоқда. Туманда биринчи 2024 йилда турли манбалар ҳисобидан бунёд этилган 5 та ижтимоий соҳа объектидан 3 таси умумтаълим мактаби, 2 таси мактабга таълим ташкилотидир. Шулардан бири янги қуриб берилган 330 ўринли 31-мактабдир.

— Мазкур мактабнинг эски биноси 1964 йилда 560 ўқувчи ўрнига мўлжаллаб қурилган. Сўнги йилларда у анча эскирган, таълим-тарбия ишларини сифатли олиб

дейди Амурдёр тумани мактабгача ва мактаб таълими бўлими мудири Ялғош Шомуратов. — Бундан 100 йил муқаддам Амурдёр туманининг Мангит шаҳрида ҳудуддаги илк зиё маскани — ҳозирги 1-мактаб очилди, илмга чанқоқ ўқувчилари бағрига олган эди. 1924/1925 ўқув йилида мангитлик Матниёзбой исмли шахсининг уйда бошланғич мактаб тарзида очилган мазкур муассасага ўз таълим-тарбияси билан эл халқимизга намуна бўлсин, деган эзгу ният билан “Намуна” деб ном берилган.

1-мактаб ҳақиқатан илк ўқув йилданоқ ўз номига муносиб тарзда ёшларни тарбиялаш, уларга чуқур билим беришга қодир таълим-тарбия муассасаси сифатида намоён бўлди.

— 1932 йилдан 1938 йилгача 7 йиллик тўлиқсиз ўрта, 1938/1939 ўқув йилидан бошлаб ўрта мактаб мақомида фаолият юритган ушбу таълим маскани ўзининг 100 йиллик тарихида тумандаги барча ўқув муассасалари учун ҳам таянч, ҳам томанна юксак намунали илм даргоҳи вазифасини ўтади, — дейди мактаб директори Дилабо Шербоева. — Ушбу мактабда таълим-тарбия олган минглаб битирувчилар орасида дунёга таниқли илм-фан фидоийлари, профессор ва академиклар, ихтирочилар, давлат ва жамоат ар-боллари бор. Хусусан, физика-математика фанлари доктори, академик Муртор Саидов, ихтирочи олим Амин Саидов, топонимика илми билимдонни, филолог Аҳмад Ишаев, машҳур тарихчи олим Курбонбой Собиров, филология фанлари доктори Пирмат Шермухамедов, педагогика фанлари доктори Аҳмаджон Нурматов, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори Ибодулло Оллаёров номи Ўзбекистон илм-фани даргалари орасида хурмат ва эҳтиром билан тилга олинади.

Билим олиш, иқтидорини юзага чиқариш ҳеч қачон замон ва макон танламайди. Аслида, билимдон ёшлар энг чекка қишлоқ мактабларидан ҳам етишиб чиқишига шубҳа йўқ. Таълим соҳасидаги илмий излохотлар эса устозларни янада изланишга чорлайди.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ЯНГИЙЎЛДА ЯНГИЛИКЛАР ЯРАТАЁТГАНЛАР БЕКОРЧИ БОЛАСИ ЙЎҚ МАҲАЛЛА

Азизбек эндигина 15 ёшга тўлган. Аммо у янги лойиҳасига сал демаса икки йил олдин киришган. У бир йилдан кўпроқ вақт мобайнида лойиҳа чизмасини тайёрлади. Эндиги мақсади — лойиҳани амалиётга таъбиқ этиш.

“Economic and ecologic house” деб номланган ушбу лойиҳага кўра, уй ёмғир сувлари ва қуёш панеллари орқали яшашга мослаштирилади. Янги кўёш панеллари электр берувчи қурилма бўлиши баробарида унинг томи вазифасини ҳам ўтайди. Ёмғир сувлари бир жойга йиғилади ва филтрланади. Натигада у ишлатишга яроқли тоза сувга айланади. Лойиҳа кутилгандай натижа берса, одамлар икки ва тўрт сотихли ерда барча шароитга эга уйда истиқомат қилиши мумкин. Азизбекнинг лойиҳаси ҳақида эшитган, “Ҳа, ёр ёш боланинг орзуси-да”, деганлар ҳам топилди. Аммо бундай муносабатдан у тушунлиқка тушгани йўқ.


— Баъзилар лойиҳамдан ҳеч қандай фойда йўқлигини айтди, — дейди Азизбек. — Бироқ ҳеч кимга қўлоқ солмай, ишимда давом этдим ва шу даражага эришдим. Бироқ илм-фанга яқин кишилар лойиҳам



тезроқ яқунланишини кутияпти. Ҳатто Ёшлар ишлари агентлиги раҳбари Алишер Саъдуллоев ва баъзи архитекторлар ҳам қизиқиш билдиргани менга куч бағишлади. Ҳозир лойиҳанинг 70 фоизи яқунланди. Тайёр бўлса, илк тажриба сифатида синовдан ўтказиш режалаштирилган. Шу ўринда мактабимиз директори Аббос Пиримқулов ҳам ишим учун ўз ҳисобидан ёрдам бераётганини айтишим керак. Шунингдек, мени қўллаб-қувватлаётган директор ўринбосарлари ва бошқаларга катта раҳмат айтаман.

Ҳа, бугун мамлакатимизда янгилик яратувчи, орзулари йўлида қарори қатъий ёшлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий мақсади ҳам шу. Президентимизнинг “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармонида мувофиқ, ёшларнинг тадбиркорлик билан шуғулланишига қўшимча имкониятлар яратилляпти. Шунингдек, фармон билан Ёшлар ишлари агентлиги томонидан танлов асосида “Маҳалла — туман — вилоят — республика”





МЕЗОН

Жонсиз, аммо жуда юқумли, микроб сингари одамга таъсир қиладиган нарсалар, вақт қотиллари — технологиялар, электрон қурилмалар, ижтимоий тармоқлар бугунги кунда дунёни тўлиқ эгаллаб олди: Facebook, OK, Twitter, Instagram, Telegram...

Мулоҳаза

“ Психологларнинг таъкидлашича, бола ўтиш даврида қалбдаги орзулари билан реал ҳаёт кўпригини боғлашга қийналар экан. Бундай пайтда уларни ёлғиз қолдирмаслик, яхшилик ва ёмонлик орасидаги ҳақиқатларни тўғри англата билиш керак, албатта. ”

ҚЎЛСИЗ, ОЁҚСИЗ АММО АТОМДАН КУЧЛИ ВОСИТА

ФАРЗАНДЛАРИМИЗНИ “МЕХАНИК ЭНАГАЛАР” ЭМАС, КИТОБ ТАРБИЯЛАСИН

Рей Бредбери — америкалик таниқли ёзувчи. Йигирмага яқин роман муаллифи. Унинг асарлари асосда кўплаб саргузашт фильмлар ишланган. Бундан 15 йилча аввал унинг “Қотил” ҳикоясини ўзбек тилига ўттирган эдим. Ҳикояни илк бор ўқиганимда ҳайратга тушганман.

бор мурожаат қилдим. Лекин бу билан фақат устимдан махсарамуз кулишларига эришдим, холос. Чунки у ердигиларнинг ҳаммаси аллақачон буларнинг кулига айлана бошлаганини билганимиз. Бу гапларни эшитган руҳшун Брокка “Бутунлай эсини йўқотган” дея таъхис қўяди.

Ҳикоянинг ҳажми унчалик катта эмас, бор-йўғи 7-8 саҳифа чиқади. Муаллиф бу ҳикоясини 1953 йилда, бундан 61 йил аввал ёзган, лекин бугунги кунгача ўз долзарблигини заррача йўқотмаган. Чунки унда адиб айни пайтдаги инсониятнинг ачинарли ҳолатини аниқ тасвирлаб бера олган.

Жонсиз, аммо жуда юқумли, микроб сингари одамга таъсир қиладиган нарсалар, вақт қотиллари — технологиялар, электрон қурилмалар, ижтимоий тармоқлар бугунги кунда дунёни тўлиқ эгаллаб олди: Facebook, OK, Twitter, Instagram, Telegram...

Бугун инсоният, яъни биз “механик энагалар” томонидан бутунлай асирга олинди. У билан шунчалик чатишиб кетдикки, энди унинг исқандаридан қандай чиқиб кетиши билмаймиз ва уринмаймиз ҳам. Чунки бунинг ҳеч қандай илжойи йўқлигини онгли равишда ҳис қила бошладик.

Гапимизнинг исботи сифатида дунё бўйича олинган статистикага эътиборингизни қаратаман. Бугунги кунда ер юзидеги 26 миллион ўзбекистонлик интернетдан фойдаланади, дегани. Улар, асосан, Google қидирув тизимидан, шу-нингдек, Yandex ва бошқалардан фойдаланади. Ижтимоий тармоқларнинг фаол аудиторияси рўйхатдан ўтган барча фойдаланувчиларнинг 65 фоизини ташкил этади.

2024 йил ноябрь ойида Facebook ижтимоий тармоғидаги фаоллар сони 10 миллион 96 мингтани (37,4 фоизи аёл, 61,6 фоизи эркак, шулардан 36,6 фоизи 14-24 ёшда), 2022 йилнинг шу даврида эса 5 миллион 878 минг 700 нафарни (33,6 фоизи аёл, 66,4 фоизи эркак, шулардан 31 фоизи 14-24 ёшдагилар) ташкил қилган.

Instagram ижтимоий тармоғидаги фаоллар сони 9 миллион 427 миң 600 киши, 2022 йилнинг шу даврида эса 4 миллион 568 миң 100 нафар.

2022 йилдан 2024 йилнинг шу даврига чикала статистик маълумотни солиштирадиган бўлсак, фойдаланувчилар сони 2 баравар ошганига гувоҳ бўламиз. Бу фожиа эмасми? Даҳшатли тарзда ошиб бораётган рақамларнинг ёшлар ва аёллар ҳисобига ошгани, фикримизча, фожиадир.

Статистиками — статистика, дея дунё бўйича китоб ўқилиши ҳақида маълумотларни қидирдик. Translated.turbopages.org сайтида 98 мамлакатнинг китобхонлик даражаси солиштирилган статистик маълумот дуч келди. Энг кўп китоб ўқийдиган мамлакат АКШ экан. Америкаликлар бир йилда ўртача 17 та китоб ўқиб, бир ҳафтада 7 соат, бир йилда эса 352 соатини китоб ўқишга сарфлар экан. Ҳиндистон йилга 16 та китоб билан 2-ўринни, Буюк Британия эса йилга 15 та китоб билан 3-ўринни банд этган. Рўйхатнинг 98-поғонасини йилга 2,5 та китоб ўқиб билан Афғонистон эгаллаган. Рўйхатдан Ўзбекистон деган ёзувни қидириб, топа олмадик.

Seoworld.biz сайтида ҳам 102 та давлат ўрғанилган, лекин биз у ерда ҳам кўринмаймиз.

YouTubeда минглаб обуначиси бўлган Муҳаммадали Эшонқуловнинг айтишича, биз бир йилда яримтадан бир яримтагача китоб ўқиб эканмиз.

Китоб ўқимаётганимизнинг асосий сабабларидан бири, аввало, асосий аҳоли қатламнинг оммавий равишда интернетдаги ижтимоий тармоқларга муқкасидан кетганида деб биламан. Бизни Худойберди Тўхтабоевнинг “Мунгли кўзлар” и нега шундай аталгани эмас, қайсидир хонанданинг қандай кийим кийиши қизиқ экани Мурод Муҳаммад Дўст қаламига мансуб “Лолazor” асарининг асосий гоиси нима экани эмас, қайсидир тик-токернинг нечта обуначиси борлиги ҳайратлангирди. Ҳатто бу борада тунги тонга улаймиз, кўзимизнинг нуруни аямаямиз.

Ҳасан Басрийнинг бир гапи бор: “Одамларга амалик билан насихат қил, сўзинг билан эмас!”. Бу гап айни пайтда бор вужуди билан ижтимоий тармоқларга шўнғиб кетган ота ва оналарга, яъни бизга қарата айтилгандек. Ўзимиз қўлимиздаги телефонни нарироқ қўйлик, биламиз билан одамлардек гаплашайлик: нима муаммоси бор, ўқиши қандай, яқин орада бирорта китоб ўқидими? Йўқ, чунки биз ўзимиз ўқинмаймиз. Орамиздан ким мизда ўқини орада кутубхонага бордим, дея айта олади? Ким боласига китоб сотиб олиб берди? Санок жуда кам.

Юқорида Рей Бредбернинг “Қотил” ҳикоясини бежиз келтирмадик. Бугун биз саргузашт асарлар муаллифининг ҳикоясидеги Брокдан ўртак олишимиз керакдек. Биз қўлсиз, оёқсиз, лекин атомдан ҳам кучли қуролга эга қотил — ижтимоий тармоқлардан ўзимизни тортмас эканмиз, ўзимиз ундан узилма, фарзандларимизни унинг темир панжаларидан олиб чиқмас эканмиз, келажагимиз ҳақида ўйлашга ҳам кўрсакан киши.

Келажагимиз унинг домига бутунлай гарқ бўлиб улгурмай, қўлимизга китоб олайлик, фарзандларимиз эса биздан ўрнадади.

“ЯШИЛ СУҲБАТЛАР”ДА БИРГА БЎЛАЙЛИК, ЎҒЛИМ!

Яқинда давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳри атрофида “яшил” белбоғ барпо этиш лойиҳаси доирасида дарахт экиш тадбирига иштирок этгани ҳақидаги лавҳани томоша қилаётиб беихтиёр болагимиз ёдимга тушди.

Тонг саҳардан томорқамиз оралаб дарахтлар ва гуллар билан гаплашишни канда қилмайдиган бобомни эсладим. Ҳар йили баҳорда ҳовлимизда кўчат ўтказиш маросими сайилга айлана кетарди. Бобом ва дадам ҳовлимизда йўқ дарахтлар кўчатини олиб келар, биз билан бирга ниҳолларни экар эди. Ўтказиш жараёнида қайси биримиз кўчат шохдан авайлаб ушлаб турар, ўшанинг назоратини бобом шу болага тоширарди. Ниҳоллар парваринини эса бобом биздан эринмай суриштириб тургани ҳам ёдимда.

Эртала туришимиз билан кўчатларимиз ёнига югураб, мактабга кетганимизга қадар уларга сув қуйишга улгурардик. Баъзида бобомизда иш роса кўпайиб кетар, “Ҳеч бўлмаса, бирон кун шу ишлардан дам олайлик, жон бувижон, бобомга айтинг”, деб тантиқлик қилганимиз ҳам эсимда. Шундай пайтларда бобом “Бу гапларингизни дарахтларимиз ва гулларимиз эшитиб қолмасин, уларга қовоғингизни солиб, пешанангизни тириштириб қарайдиган бўлсангиз, қараманглар, ахир уларнинг ҳам жони бор. Ҳали баҳорда гуллаб, ёзда мева тукканида роҳатини кўрасизлар”, дерди. Биз, болалар шундай пайтда берган саволимизга пушаймон бўлиб, дарҳол қўлимизга челақ ва кетмон олиб, парвариллашда давом этардик.

Май ойида гулларимиз очилиб, дарахтларимиз кийос гуллаганида бобомизни бир кўрсангиз эди. Ўша пайтлари бобом ҳатто уйимиз томигача қизгалдоқ уруғини сепгани бонс, еру кўк гулзорга айланган эсимда. Эндигина қизара бошлаган гилос шодаси эса бу манзарага янада ўзгача жозиба бағишлар, нафақат кўшилларимиз, балки кўшни қишлоқликлар ҳам бу манзарани кўргани тез-тез уйимизга мехмонга келарди.

Бобом ва бобомнинг яна бир одати бор эди: ҳар баҳорда кўшилларимизга дарахт кўчатлари ва гул қаламчаларини тарқатарди. Биз, болалар бу юмушга жон деб қўмақлашар, кўшилларимизнинг хурсандлигини кўриб, катта ишни дўндиригандек жуда қувониб кетардик. Айниқса, бобомнинг қишлоқдаги ҳар бир уйда қандай кўчат бор-йўқлигини билишига қойил қолганмиз.

Ҳар гал бу ширин хотираларимни болалигимга сўзлаб берган чоғда улар “Ажон, нега ҳозир ўша боғ йўқ бўлиб кетган? Одамлар дарахт ва гулларни яхши кўрмай қолганми?” деб сўрайди. Уларнинг болаларча самимий билан берган саволини аввалга ажабланмадик. Вақт ўтгани сайин бу сўроқ ўта жиддий эканини англай бошладим.

Айниқса, жорий йил ноябрда Президентимизнинг Бокун шаҳрида ўтган COP29 анжумани доирасидаги ялпи мажлисда сўзлаган нутқини тинглаб, мени қийнаган савол билан боғлиқ ташвишларимизни, зямондошларимиз қалбидеги безовта ўйларни ўзида акс эттирган мулоҳазалардан ҳаяжонга тушдим. Қизим ва ўғлимни телевизор қаршисига чорлар эканман, улардан давлатимиз раҳбарининг ҳар бир сўзини, ташаббусини диққат билан эшитишни сўрадим. Анчадан бери телевизор кўрмай қўйган болаларга бу таланим бир оз эриш туюлди. Лекин маърузадаги мулоҳазалар уларни ҳам эътиборсиз қолдирмади шекилли, юз-кўзидаги ифода ўзгарди. Биринчи, биринчи бўлган кунимиздаги иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ муаммоларни мисол қилиб келтира бошлади. Ҳа, барибир телевизор қаршисига оилавий ўтириб суҳбатлашишнинг ўрни бўлмакча-да...

Англаган яна бир ҳақиқатим шуки, биз болаларимиз билан фикрлашмай, мулоҳазаси билан ҳисоблашмай қўйибмиз. Уларни бутуннинг хабарлари, фожиалари, шодликлари қаршида буткул ёлғиз қолдиришга қўниқиб қолдик. Моддий жиҳатдан бекам-кўст қилишга қайғурибмизда, маънавий унақибт сивовларидеги ҳамроҳ бўлишни унутиб қўёғибмиз. Фарзандларимиз билан суҳбатлашмай, шодлигу қувончларимизни,

ташвишларимизни бўлишмай қўйибмиз... Нега шундай бўлиб қолдик?

Эсимда, ҳар оқшом овқатланиб бўлганимиздан сўнг дадам бобомиздаги беҳи дарахтидан қосада қиладиган, олтиндай товланган беҳилардан, тарс этиб ёрилган ёқутранг анорлардан узиб келар, уларни биз дарс қилиб ўтирган хонтахта устига қўяр эди. Биз дадамнинг бу эътибори, меҳридан хурсанд бўлганимиз, албатта.

Бошқа пайтларда салобати ва қаттиққўлиги билан бизни ҳайқитирса-да, дадам дарс қиладиган чоғимиз худди тенгдошимиз, ўртоғимиз каби бегубор болакайга айлана қолар эди. Атайлаб математика ва физикадан қизиқари, қулиги саволларни топиб берадир, тетроқ жавобини топган одамни зўр муқофот кўтаётганини таъкидларди. Бу хабардан завқланиб, жавобларимиз билан ота-онамизни кувонтиришга интиланганмиз.

Дадам ўқиган китобларимиз ҳақида савол бера бошлаганида эса даврамиз янада жонланган. Ҳар бир китобдаги қаҳрамонларга эринмай тўхталиб, уларнинг яхши-ёмон ишларини таҳлил қилишга киришиб кетардик. Онам адабиёт фанидан дарс бергани бонс, уйимизда

мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги, юксак босқичига қираётган айни паллада бизга Фарб илм-фани ютуқлари билан бирга миллий қадриятлар руҳида тарбия топган етуқ кадрлар сув билан ҳаводек зарурлигини таъкидлади. Шу бонс, биз, ота-оналар тарбия мезонларини белгилаганда ўзлгимиздан узоқлашмай, аксинча, ота-боболаримиз қолдирган тарбия асосларидан ҳам ўз ўрнида фойдалана билишимиз керак. Оддий мисол: мен болаларимга худди ота-онам каби вақт ажрата оламанми? Улар қалбига йўл топишга ҳаракат қиляманми? Негадир бу саволларни ўзимга бераётиб уялиб кетдим. Ота-онамизнинг ҳам ўша пайтда тирикчилик ташвиши, ўйи етарли бўлган-ку. Шундай бўлса-да, кўнглини кенг қилиб, бизни тинглашга, биздек ўйлашга, ҳатто тенгдошимиз каби биргаликда ўйнашга ҳам фурсат топган-ку.

Психологларнинг таъкидлашича, бола ўтиш даврида қалбидеги орзулари билан реал ҳаёт кўпригини боғлашга қийналар экан. Бундай пайтда уларни ёлғиз қолдирмаслик, яхшилик ва ёмонлик орасидаги ҳақиқатларни тўғри англата билиш керак, албатта.

Яқинда бир устозимиз яхшиликнинг оғирлигига ёмонликнинг енгилигига ҳақида “Фатхул Борий” асаридан бир мисол келтирдик: “Солиҳ салафларнинг бирдан яхшиликларнинг оғир экани ва ёмонликларнинг енгилигини сабабини сўрашди. У киши бундай



катта кутубхонамиз бўларди. Бу кутубхонага бутун қишлоғимиз ҳавас билар қарар, одамлар кун ора ўзи излаётган бадий асарларни сўраб келарди. Энди билсам, ўшанда онам дарс столимиз устига бизни қизиқтириш учун атайлаб бадий асарларни тахлаб қўяр экан. Биз беихтиёр дарсдан толиққан чоғимизда аста очиб кўришимизни билган-да...

Онамнинг яна бир одати бор эди: биз ўқитган асардан бохабар бўлгач, атайлаб ундаги қаҳрамонларни танқид қилиб гап бошлар эди. Биз бу ҳолатга чидай олмай, беихтиёр онам билан мунозарага киришиб кетар эдик. Айниқса, Ҳабибулла Қодирийнинг “Отан ҳақида” китоби янги нашрдан чиққан кезларда оилавий суҳбатларимизда қизгин мунозараларга сабаби бўлган. Шунингдек, “Ёшлик” журналида шоир Усмон Носирнинг жияни Нодира Рашидова тоғаси ҳақида эълон қилган мақолани ҳам ҳар биримиз ўқиб, мулоҳазаларимизни билдиришга интиланганмиз. Чунки ота-онам нафақат ўзининг фикрларини, балки биз, болаларнинг фикрини ҳам ҳурмат ва катта эътибор билан тингларди. Шу бонс, ҳар биримиз олий маълумот олиб, ўзимиз яхши кўрган соҳада ўрнимизни топишга интилан бўлсак, ажаб эмас.

Ҳа, ҳамма замонда ҳам оилада маънавий муҳит, миллий анъана ва қадриятлар шахс тарбиясида катта аҳамият касб этган. Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг 2023 йил 22 декабрдаги кенгайтирилган йилгилишида ҳам давлатимиз раҳбари

жавоб қилди: “Чунки яхшиликнинг аччиқлиги олдинда туради, ҳаловати эса кўзга кўринмайди. Шунинг учун у дастлаб сенга оғир туюлади, оғирлиги эса уни тарқатишга эсим мажбур қилмасин”.

Демак, ота-онамиз маънавий тараққиёт босқичидаги бу синови давр олдида болаларни ёлғиз қолдирмаган. Яхшилик йўли ҳамма машаққатли бўлишини, ёмонлик эса ўз сароби билан бизни қандай чалғитиши мумкинлигини ўз вақтида тушунирга олган. Биз эса бу вазифаларнинг барчасини ўқитувчига ва телефонга юклаб қўйганмиз.

Маънавий жиҳатдан устунликка эришмаган, эътиқоди суст, оламнинг асл моҳиятини англамаган авлод ҳар қандай даврда ютқазиб қилиш бор гап. Шундай экан “Найман она қирасаси”даги Жўмон янглиг ўз онасига қурол ўқталган, уни ўлдириб ҳам индамай ўз йўлида давом этган жоҳил авлод — манқуртлардан Яратганининг ўзи асрасин!

Ўзлгимиздан, ўзбеклигимиздан, юксак маънавий мезонларимиздан, аждоқларимиз мерос қолдирган маърифий хазинадан беғоналашиб қолмайлик! Мусаффо ҳаво оғушидаги яшил дунё яратилишида бедор яшаётган, улғаяётган фарзандларимиз билан уларнинг “яшил суҳбатлари”да бирга бўлайлик! Уларни муҳим юксалиш палласида ёлғиз қолдирмайлик, азиз ота-оналар!

Мухтасар ТОЖИМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири



Даврон УЛУҒМУРОДОВ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси аъзоси

Ҳикоя мазмуни руҳшунсо билан унинг мижози Брок ўртасидаги ўзаро суҳбатда секин-аста ойдинлашиб бораверади. Брок чегарасиз ахборотлардан, уйда туфлисини тозалаш ёки сигаранинг кули полга тушмаслиги учун ортидан қолмайдиган чанг-ютқич каби манший техника воситалари таъқибидан, ижтимоий фикрларни ўрганиш жамиятларининг сон-саноксиз, бўлар-бўлмас сўровларидан, ишонда радио-селекторнинг тинмай жиринглашидан шунчалик безор бўладикки, ниҳоят бу нарсалар ҳиқилоғига келган қаҳрамон дўнондан қурол сотиб олади-да, уйдаги ҳамма роботларни отиб, йўқ қилади ва “Мен қотилман” дея ўзини полиция ихтиёрига топширади. Полиция руҳшунсога нақариди. Брок қилган ишларини руҳшунсога айтиб беради: “Шундай қилиб, илк қотиллик қурбони телефон бўлди. Мен уни ҳаво тозалаш парралари орасига тикдим. Бечора тил тортмай



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

қотди-қолди. Жирканч қотиллик! Тўғрими? Кейин телевизор кенескопига опита ўқни жойлаб қўйдим. Ажойиб-а! Худди қандил сингандек жаранлаб кетди ўзим.” Шунда руҳшунсо ундан “Сизга бу воситалардан фойдаланиш ёқмас экан, нега “Антирадиочилар” жамиятига бормадингиз?” дея сўрайди.

Брок жавоб беради: “Ўша жамиятга ҳам бордим, митингларда шорлар кўтариб, кўчаларга чиқдим. Судларга неча

нинг 5,17 миллиард аҳолиси интернетдаги ижтимоий тармоқлардан фойдаланади. Бу дунё мамлакатлари аҳолисининг 62,6 фоизини ташкил қилади. Ачинарлиси, ушбу кўрсаткич ҳар йили 3,4 фоиз ошиб боради. Бу фожиа эмасми?”

“Brand analytics” компаниясининг “Биз ижтимоий” (We are Social) деб номланган социал тадқиқотида кўра, Ўзбекистонда интернет фойдаланувчилари сони умумий аҳолининг 76,6 фоизини ташкил



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти ДМ

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарибмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма — 4514. 39932 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

“Колограк” МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манлиси: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй. Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Боборовшан Ғозидинов Мусахҳи: Шерзод Маҳмудов Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилими: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА яқуни — 23:23 Топширилди — 01:40